### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

429 Давлат эхтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш буйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хужаликларига контрактация шартномасидан ортикча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби турисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2012 йил 22 октябрдаги ПФ−4478-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда пахта хом ашёси ҳосилдорлигини ва етиштириш ҳажмларини кўпайтиришдан фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



429-модда

- 1. 2013 йил хосилидан бошлаб Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг очиқ биржа савдоларида ем-хашак сотиш буйича туман ва вилоят бирлашмалари томонидан харид қилинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси улар томонидан биринчи навбатда давлат эҳти-ёжлари учун шартнома ҳажмларидан ортиқ пахта хом ашёси етказиб беришни таъминлаган фермер хужаликларига сотилиши тартиби белгилансин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тегишли моддий балансларни ишлаб чиқишда 2013 йил хосилидан бошлаб давлат эхтиёжлари учун шартнома ҳажмларидан ортиқ пахта хом-ашёси етказиб беришни таъминлаган фермер хужаликларига мулжалланган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини биржа савдолари орқали сотиш ҳажмларини алоҳида сатрда назарда тутсин.
- 3. Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш буйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хужаликларига контрактация шартномасидан ортикча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби турисидаги Низом иловага мувофик тасдиклансин.
- 4. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раҳбарларига ушбу ҳарорда белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.
- 5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-хукукий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
- 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

# Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 5 август, 218-сон 32 (584)-сон

429-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 218-сон қарорига ИЛОВА

Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўгрисида НИЗОМ

#### І. Умумий қоидалар

- 1. Ушбу Низом давлат эхтиёжлари учун шартнома хажмларидан ортик пахта хом ашёсини етказиб берган фермер хужаликларига пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартибини белгилайди.
  - 2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қулланилади:

**туман ва вилоят бирлашмалари** — пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини биржа савдоларидан харид қилувчи ва кейинчалик уларни фермер хужаликларига сотувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар;

**ихтисослаштирилган шохобчалар** — туман ва вилоят бирлашмалари таркибидаги ем-хашак, шу жумладан омихта ем, шрот (кунжара) ва шелухани сотувчи ихтисослаштирилган пунктлар;

фермер хужаликлари — давлат эхтиёжлари учун пахта хом ашёсини контрактация шартномаларида назарда тутилган хажмлардан ортикча топширган пахтачилик фермер хужаликлари.

- 3. Кейинчалик фермер хужаликларига сотиш учун пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини туман ва вилоят бирлашмаларига сотиш очик биржа савдолари оркали амалга оширилади.
- 4. Туман ва вилоят бирлашмалари ихтисослаштирилган шохобчалар орқали ушбу Низомга мувофиқ сотиб олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси фермер хужаликларига сотилишини таъминлайди.
- 5. Фермер хужаликлари ушбу Низомга мувофик узларига мулжалланган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини умуман Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар буйича шартнома мажбуриятлари бажарилишидан қатъи назар сотиб олади.
- 6. Пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини фермер хужаликларига сотиш ушбу Низомга 1-иловага мувофик схема буйича амалга оширилади.

## II. Пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмларини шакллантириш тартиби

7. Пахтани қайта ишлаш корхоналари ҳар йили 5 декабрга қадар фер-



429-модда

мер хужаликлари билан биргаликда давлат эхтиёжлари учун контрактация шартномаларида белгиланган хажмлардан ортикча етказиб берилган пахта хом ашёси хажмлари тургисида солиштирма далолатномани тузадилар.

8. Тузилган солиштирма далолатномалар асосида пахтани қайта ишлаш ташкилоти туман қишлоқ ва сув хужалиги булими ҳамда туман фермерлар Кенгаши билан биргаликда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл буйича фермер хужаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб берилган пахта хом ашёси, шартнома ҳажмларидан ортиқча пахта хом ашёси, шунингдек шартнома ҳажмларидан ортиқча пахта хом ашёсидан олинган техник чигитлар ҳажмлари акс этган фермер хужаликлари реестрини шакллантиради ва уни жорий йилнинг 10 декабрига қадар туман ҳокимлигига тақдим этади.

Техник чигит чиқиши меъёри қайта ишланган пахта хом ашёси ҳажмининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

- 9. Туман хокимликлари фермер хужаликлари реестри қабул қилиб олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида мазкур реестрни тасдиқлайди ва уни (хужжатнинг электрон версияси билан бирга) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар хокимликларига юборади.
- 10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳудудий «Пахтасаноат» бирлашмаси, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳамда ҳудудий Фермерлар кенгаши билан биргаликда туман ҳокимликлари томонидан тақдим этилган фермер ҳўжаликлари реестрини умумлаштиради ва тасдиқлайди ҳамда уни (ҳужжатнинг электрон версияси билан бирга) жорий йилнинг 15 декабрига қадар «Ўзпаҳтасаноат» уюшмасига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича юборади.
- 11. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси фермер хўжаликлари реестри олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ушбу реестрни умумлаштиради ва йигма реестрни Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига (хужжатнинг электрон версияси билан биргаликда) юборади.
- 12. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилган фермер хўжаликлари реестрлари асосида фермер хўжаликларига сотиш учун уларга мўлжалланган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси хажмларини ушбу Низомга 4-иловага мувофик шакл бўйича аниклайди.

Пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси меъёри ушбу Низомнинг 8-бандига мувофик аникланган техник чигит хажмига нисбатан тегишли равишда 44,8 ва 31,7 фоиз микдорида белгиланади.

13. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси жорий йилнинг 25 де-кабрига қадар:

пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмлари, шунингдек ёғ-мой ташкилотлари жойлашуви акс этган тасдиқланган фермер ҳӱжаликлари реестрини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига;

пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмларининг республика минтақалари буйича ҳисоб-китобларини келгуси йил учун пахта



шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш балансларини шакллантиришда ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига юборади.

## III. Пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини фермер хужаликларига сотиш тартиби

- 14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан тақдим этилган фермер хужаликлари реестрини уч иш куни мобайнида вилоят ва туман бирлашмаларига, шунингдек туман ҳокимликларига юборади.
- 15. Туман бирлашмалари реестр асосида ўн иш куни мобайнида фермер хужаликлари билан пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш буйича шартномалар тузадилар.

Шартномаларни ўз вақтида тузишни ташкил этиш ва уларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига ҳамда туман бирлашмаларига юкланади.

16. Туман ва вилоят бирлашмалари Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан такдим этилган фермер ҳужаликлари реестри асосида паҳта шроти (кунжараси) ва паҳта чигити шелуҳасини иҳтисослаштирилган шоҳобчалар орқали нақд пулга ёки пул ўтказиш йуҳпи орқали фермер ҳуҳжаликларига сотади.

Ушбу Низомга мувофик ихтисослаштирилган шохобчаларнинг фермер хужаликларига пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш харажатлари билан боғлиқ устамаси биржа нархининг 7 фоизидан ошмаслиги керак.

17. Ихтисослаштирилган шохобчаларнинг рахбарлари сотилган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмларини махсус дафтарларда руйхатга олади ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган фермер ҳужаликлари реестри асосида уларни фермер ҳужаликларига сотиш буйича моддий жавобгар шахслар ҳисобланади.

## IV. Ушбу Низом бажарилиши мониторингини амалга ошириш тартиби

- 18. Туман бирлашмалари рахбарлари фермер хужаликлари буйича сотилган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмлари турчисидаги маълумотни ҳар ойнинг 1 ва 16-кунида вилоят бирлашмаларига, шунингдек туман қишлоқ ва сув хужалиги булимига ҳамда туман Фермерлар кенгашига тақдим этадилар.
- 19. Вилоят бирлашмалари туман бирлашмалари буйича сотилган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ҳажмлари турисидаги маълумотни ҳар ойнинг 5-кунигача Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув




429-модда — 30 — 32 (584)-сон

хужалиги вазирлигига, Узбекистон Фермерлари кенгашига ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига, шунингдек Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар хокимликларига тақдим этади.

#### V. Якунловчи қоидалар

- 20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.
- 21. Ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар буйича юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.





Ўзбекистон

Республикаси қонун

ҳужжатлари

тўплами,

2013

ŭ


Давлат эхтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш буйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хужаликларига контрактация шартномасидан ортикча топширилган пахта хом ашёсини кайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тургрисидаги низомга

1-ИЛОВА

# Давлат эхтиёжлари учун пахта хом ашёсини контрактация шартномасидан ортикча топширган фермер хужаликларига пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш СХЕМАСИ







Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

| «ТАСДИКЛАЙМАН» тумани ҳокими (мизо, мухр) (Ф.И.О.) й. «»  |                            |                                    | Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўгрисидаги низомга 2-ИЛОВА |  |  |  |  |
|---|----------------------------|------------------------------------|---|--|--|--|--|
| вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси) тумани бўйича давлат эҳтиёжлари учун<br>контрактация шартномасидан ортиқча пахта хом ашёси етказиб берган фермер хўжаликлари<br>РЕЕСТРИ<br>тонна |                            |                                    |   |  |  |  |  |
| T/p   | Фермер хўжаликлари<br>номи | Пахта хом ашёсини<br>етказиб бериш |   | Контрактация шартномасидан<br>ортикча етказиб берилган | Шартномадан ортиқча етказиб<br>берилган пахта хом ашёсидан |  |  |
| -, P  |                            | режа бўйича                        | амалда  | пахта хом ашёси хажми 4-устун — 3-устун) 5             | олинган техник чигит хажмлари<br>(5-устун х 50/100)        |  |  |
| 1   | 2                          | 3                                  | 4   | 5  | 6  |  |  |
|   |                            |                                    |   |  |  |  |  |
|   |                            |                                    |   |  |  |  |  |
|   | қайта ишлаш ташкилоти д    | Пахтани<br>иректори                | қишлоқ ва сув х   | тумани<br>ужалиги бўлими бошлиғи                       | тумани Фермерлар кенгаши раиси                             |  |  |
|   | имзо, мухр) (Ф.И. «»       |                                    |   |  | о, мухр)   |  |  |



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

\_\_\_ й. «\_\_\_\_»

20\_\_\_\_ й. «\_\_\_\_»

| «ТАСДИҚЛАЙМАН» вилояти ҳокими (имзо, мухр) (Ф.И.О.) й. «» |  |                                    | Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўгрисидаги низомга 3-ИЛОВА |  |   |  |
|---|--|------------------------------------|---|--|---|--|
|   | вилояти (Қора                            |                                    |   | ча давлат эхтиёжлари учун контракта<br>б берган фермер хўжаликлари           | ция шартномасидан ортикча пахта   |  |
|   |  | AUN                                |   | РЕЕСТРИ  |   |  |
|   |  |                                    |   |  | тонна   |  |
| T/p   | Туман ва фермер<br>хўжаликлари номи      | Пахта хом ашёсини<br>етказиб бериш |   | Контрактация шартномасидан ортиқча етказиб берилган пахта хом ашёси хажми    | Шартномадан ортиқча етказиб берилган пахта хом ашёсидан олинган техник чигит хажмлари |  |
|   | хужаликлари поми                         | режа бўйича                        | амалда  | (4-устун — 3-устун)  | (5-устун х 50/100)  |  |
| 1   | 2  | 3                                  | 4   | 5  | 6   |  |
|   | тумани                                   |                                    |   |  |   |  |
| 1.  | ф/х                                      |                                    |   |  |   |  |
| 2.  |  |                                    |   |  |   |  |
|   | Туман бўйича жами                        | X                                  | X   |  |   |  |
| 1   | тумани                                   |                                    |   |  |   |  |
| 2.  | ф/х                                      |                                    |   |  |   |  |
| <u> </u>  | Туман бўйича жами                        | X                                  | X   |  |   |  |
|   | Вилоят бўйича жами                       | X                                  | X   |  |   |  |
|   | «Пахтасаноат» худуд<br>бирлашмаси рахбаг |                                    | Қорақалпоғисто  | вилояти қишлоқ ва<br>иги бошқармаси бошлиғи<br>ын Республикаси Қишлоқ ва сув | вилояти<br>Фермерлар кенгаши раиси  |  |
| Tra   | мзо мухи) (ФИО                           |                                    | (MM30 MVXD)   | ўжалиги вазири)  | (ФИО)   |  |



20\_\_\_\_ й. «\_\_\_\_»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2013

#### «ТАСДИҚЛАЙМАН» Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси

| (имзо, мухр) |      |                 | (Ф.И.О.) |  |
|--------------|------|-----------------|----------|--|
| 20           | й. « | <b>&gt;&gt;</b> |          |  |

Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

\_\_\_\_ вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси) фермер хўжаликларига сотиш учун мўлжалланган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухаси ХАЖМЛАРИ

| T/p | Туман ва фермер хўжаликлари номи | Пахта шроти (кунжара)<br>ҳажмлари, тн.<br>(2-илованинг<br>6-устуни х 44,8/100) | Пахта чигити шелухаси<br>ҳажмлари, тн.<br>(2-илованинг<br>6-устуни х 31,7/100) | Бириктирилган<br>ёғ-мой ташкилотлари-<br>нинг номи |
|-----|----------------------------------|--|--|--|
| 1   | 2                                | 3  | 4  | 5  |
|     | тумани                           |  |  |  |
| 1.  | ф/х                              |  |  |  |
| 2.  |                                  |  |  |  |
|     | Туман бўйича жами                |  |  |  |
|     | тумани                           |  |  |  |
| 1.  | ф/х                              |  |  |  |
| 2.  |                                  |  |  |  |
|     | Туман бўйича жами                |  |  |  |
|     | Вилоят бўйича жами               |  |  |  |

